

Маҳалла

1996 йилдан чиқа бошлаган

2013 йил 13 февраль. Чоршанба №13 (873)

www.mahallagzt.uz

info@mahallagzt.uz

ДАВРА СУҲБАТИ

ҚОНУН ЛОЙИҲАСИ ФАОЛИЯТ ТАКОМИЛИГА ҚАРАТИЛГАН

Асрлар давомида ҳаққимизга хос ноёб бошқарув идораси сифатида шаклланиб келган маҳалла институти истиқлол йилларида Юртбошимиз раҳнамолигида янгича мазмун-моҳият касб этиб, ўзининг ҳуқуқий асосларига эга бўлди.

Давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида маҳалла фаолиятининг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириш, унинг вазифалари кўламини кенгайтириш, давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари билан узаро яқин ижтимоий ҳамкорлик муносабатларини таъминлашдек устувор вазифалар белгиланган.

Айни кунларда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонуннинг янги таҳрирдаги лойиҳаси муҳокама этилмоқда.

Таҳририятимизда ташкил этилган

давра суҳбати иштирокчилари — қонун ижодкорлари айни шу мавзуда ўзларининг фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Ақмал САИДОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати:

— Демократик қадриятлар, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, фуқароларнинг ўз салоҳиятларини тўла рўйба чикариш, уларнинг социал-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий фаоллиги, ҳуқуқий онги ва маданиятини ошириш, жамиятдаги турли манфаатлар мувозанатини таъминлашга даъват этилган кучли ва очиқ фуқаролик институтлари орасида маҳалланинг алоҳида ўрни ва нуфузи бор.

> [2]

КУЧЛИ ДАВЛАТДАН — КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ

МАҲАЛЛАДА ҲИСОБОТЛАР ЭШИТИЛМОҚДА

Қорақўрғон шаҳарчаси Чуст тумани марказидан қарийб 25 км. узоқликда, қўшни республика билан чегарадош тоғолди ҳудудда жойлашган. Аҳолиси, асосан, деҳқончилик, боғдорчилик билан шуғулланади.

Томорқадан, боғдорчиликдан яхши даромад топаётган, турмуши тўқин қорақўрғонликлар истиқлол боис юртимизда юз бераётган янгилашни, ўзгаришлардан руҳланиб, ўз шаҳарчаларини обод масканга айлантирмоқдалар.

Бугун шаҳарчанинг асосий кўчаларидан ўтсангиз, кенг ва равои йўлларга, аҳолининг замонавий турар-жойларига ҳавас билан қарайсиз.

— Кейинги йилларда ҳудудда ўнаб янги савдо ва сервис хизмати шохобчалари, тадбиркорлик субъектлари фойдаланишга топширилди, — дейди шаҳарча фуқаролар йиғини раиси За-

рифжон Хидиров. — Бу эса, ўз навбатида, халқимиз турмуш даражасини янада яхшилашга хизмат қилмоқда. Ҳудудимизда тўрт минг нафарга яқин аҳоли истиқомат қилади. Уларнинг турмуш шaroитидан хабар олиш, ижтимоий фаоллигини оширишда фуқаролар йиғини томонидан бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Айниқса, бу борада маҳаллий ҳокимиятнинг ёрдами катта бўлмоқда. Шу йил январь ойида туман ҳокими шаҳарчамиз аҳолиси билан учрашиб, ҳисобот берди.

> [2]

КОЛЛЕЖ-КОРХОНА ҲАМКОРЛИГИ

БИТИРУВЧИГА ИШ ЎРНИ ТАЙИН



Дарҳақиқат, Президентимиз шу йилнинг 18 январь кунини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якуналари ва 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган мажлисида таъкидлаганидек: «Фақат ўтган йилнинг ўзида умумий қиймати 1 миллиард 600 миллион доллардан ортиқ бўлган капитал қўйилмалар ўзлаштирилиб, 205 та йирик инвестиция объектлари куриб битказилди.

> [3]

— Онажон, эртадан амалиётимиз бошланаркан. Мен Навоий иссиқлик электр станциясида амалиёт ўтайман. Қандай яхши! Ўқшни тугатгач, бу корхонада ишлашни орзу қилгандим, — дея ҳаяжон билан кириб келган ўғлининг гапларидан Саида опа суюниб кетди.

У яқиндагина боласи ўқитган Кармана саноат касб-ҳунар коллежида ўтказилган ота-оналар йиғилишида айтилган гаплар шунчаки ваъда эмаслигини биларди. Навоий иссиқлик электр станцияси нафақат вилоятимиздаги, балки юртимиздаги энг нуфузли саноат корхоналаридан бири.

ОИЛА-МАҲАЛЛА-ТАЪЛИМ МУАССАСАСИ ҲАМКОРЛИГИ

ФАРЗАНД БАХТИ, САОДАТИ — ЮРТНИНГ ИҚБОЛИ



Ж.НОРҚОБИЛОВ (Ўза) олган сурат.

Бугун маҳаллага нисбатан элнинг ишончи ортган. Фуқароларнинг муаммоси бўладими, ташвиш ёки ташаббусими, аввало, йиғинга мурожаат этишади. Бу ерда кўплаб масалалар фаоллар билан кенгашилиб, ўз вақтида ҳал этилади.

Айниқса, ёш авлодни тарбиялашда маҳалланинг ўрни беқиёс. Бола маҳаллада катталарга ҳурмат, кичикларга иззат каби ўзбекона фазилатларини куриб-кузатиб улғаяди. Ана шундай гўзал анъаналар болани тарбиялаб боради. Бу эса, маҳалла ва таълим муассасаси ҳамкорлигида янада аниқроқ кўзга ташланади.

Дарвоқе, фарзандларимиз илгари

Ўқувчилар доимий назоратимизда, уларнинг бўш вақтлари ҳисоб-китоби. Бу, албатта, йиғин қўшидаги Вояга етмаганлар, ёшлар, спорт ва соғломлаштириш масалалари бўйича комиссия фаолияти билан боғлиқ.

Комиссия «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, «Нуроний» жамғармаси ҳамда мактаб педагогик жамоаси билан биргаликда турли тадбирлар, учрашувлар, спорт мусобақалари ташкил этиб келмоқда. Голиблар эса, ҳомий ташкилотлар ва маҳалладош тадбиркорлар томонидан муносиб тақдирланадилар.

> [4]

14 ФЕВРАЛЬ — ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАД БОБУР ТАВАЛЛУД ТОПГАН КУН

«БОБУРНОМА»ДА ТАРИХИЙ ЖОЙ НОМЛАРИ

Заҳириддин Муҳаммад Бобур жаҳон илм-фани, маданияти, тарихида чуқур из қолдирган аждоқларимиздан бирidir.

Унинг «Бобурнома» асарида XV асрнинг адоғидан XVI асрнинг биринчи яримигача Хуросон, Мовароуннаҳр, Ҳиндистонда кетган муҳим тарихий воқеалар акс эттирилган.

Бу асарда юзлаб тарихий шахсларнинг номлари келтирилган. Уларнинг айримлари ҳақидаги далиллар ноёб қўлёзмаларда ҳам топилмайди. Зотан, «Бобурнома» «тили қалам бирла ростлиги боис дунё олимларини лол қолдириб келмоқда.

— «Бобурнома» бўлмаганида бизнинг Ҳусайн Бойқаро ва Алишер Навоий ҳаёти, фаолияти ва ижоди, хусусан, шахси ҳақидаги тасаввурларимиз анча юзаки бўлиб қоларди, — дейди Ўзбекистон Миллий университети докторанти Отабек Сафаров. — Бундан ташқари, асардан тилшунослик, санъатшунослик, наботот ва ҳайвотот олами, жой номлари билан боғлиқ кўплаб мисолларни келтириш мумкин. Хусусан, «Бобурнома»да Қарши шаҳрининг номи кўплаб туркий асарларда учрайдиган «зид», «рупара», «сарой», «қаср» сингари маънолар билан боғлиқ эмаслигига аниқлик киритилиб, авваллари Насаф ва Нахшаб деб аталган шаҳар Чингизхон истилосидан сўнг шу номни олгани қайб этилади.

> [4]

ЭЪТИРОФ

ДИЛЛАРНИ ДИЛЛАРГА БОҒЛАГАН РИШТА

Ўтган йилнинг 14—18 ноябрь кунлари Навоий шаҳрида бадий гимнастика бўйича халқаро тоифадаги спорт устаси Анастасия Берестецкая хотирасига бағишланган III очиқ турнир ўтказилганди.

Турнирда республикамизнинг барча вилоятларидан келган гимнастикачи қизлар билан бирга, хорижий давлатлардан ҳам спортчилар иштирок этишди. Қўйида улардан айримларининг юртимиз ҳақидаги таассуротлари билан таънишасиз:

Ванесса ВАЗЕАЛИ (Италия):

— Мен аввал Ўзбекистонда бўлмаган эдим. Бу гўзал диёрнинг инсонлари меҳмондўст, очиқкўнгли ва самимий экан. Мусобақалар

бошланишидан аввал турнир ўтаётган «Сўғдиёна» уйингоҳига жажжи қизалоқларни етаклаган аёллар кириб кела бошлашди. Мен улар ўқитувчи бўлишса керак, ўқувчиларини томошага олиб келяпти, деб ўйлаган эдим. Бироқ улар маҳалла маслаҳатчилари экан ва ўз ҳудудда яшаётган, бадий гимнастикага қизиқувчи қизчаларга халқаро турнирни кўрсатишга келишган экан.

Вилоят гимнастика федерацияси раҳбари Шаҳно Нарзиеваннинг

айтишича, Навоийда турнир ўтишини эшитган маҳалла фаоллари мусобақаларга бадий гимнастика тўғрақларида иштирок этаётган қизалоқларни ҳам кириштириш учун рухсат сўрашган экан. Вилоят ҳокимлиги бу ташаббусни қўллаб-қувватлабди ва спорт залида маҳалла вакиллари учун алоҳида жой ҳозирланибди. Мен буни куриб маҳаллага жуда қизиқиб қолдим ва унинг фуқароларини ҳаётда турган ўрни ҳақида, амалга ошираётган ишлари хусусида эшитиб хурсанд бўлдим. Ўйлашимча, бир-бирига меҳр-оқибати, бағрикент ва саҳий ўзбекларгина ана шундай йўл тута олиши, маҳаллада бирлашиши мумкин.

Елизавета ЧАВЧАВАДЗЕ

(Россия):

— Турнирда мен бухоролик Меҳрангиз Ражабова, Фарангиз Наимова, тошкентлик Лейла Мамлиева, самарқандлик Тахмина Икромова каби қизлар билан танишдим. Уларнинг ҳокимлиги бу ташаббуси қўллаб-қувватлабди ва спорт залида маҳалла вакиллари учун алоҳида жой ҳозирланибди. Мен, айниқса, маҳалла фуқаролар йиғини ҳузурида бадий гимнастика тўғрақларида ташкил этилгани, қизчалар 3-4 ёшданок ана шу тўғрақларга қатнашаётганини эшитиб қўйиб қолдим. Бу болаларни соғлом ўстириш учун маҳалла томонидан ота-оналарга кўрсатилаётган катта ёрдам, албатта. Сўхбатдошларимнинг ҳар бири ўз ҳаётида, спортдаги фаолиятида маҳалланинг ёрдами,

ўрни бормигини таъкидлади. Ўзбекларнинг биродарлик фазилатига ҳавасим келди.

Ая ЕРМАН (Словения):


— Мусобақадаги чиқишимдан сўнг олдimgа бир қизча келди. У карманалик Ситора исми қиз экан. Бадий гимнастикага жуда қизиқишини, айни пайтда маҳалласида ташкил этилган бадий гимнастика тўғрагида иштирок этаётганини ва келажақда, албатта, моҳир спортчи бўлишини айтди. Би-

лишимча, у бу ерга ўз устози, тўғрақ раҳбари билан бирга келибди.

Мен кўп мусобақаларга қатнашганман ва турли мамлакатларга борганман. Лекин Ўзбекистонга ўхшаган юртни, ўзбеклардек узаро аҳил халқни кўрмаганман. Очиги, бир-бирига шунчалик меҳрли инсонларни, уларнинг узаро муомала-муносабатларини куриб, улар бир-бирига қариндошмикан, деб ўйладим.

Мазкур халқаро турнирнинг ўтганига уч ой бўлди. Аҳамиятисиз, мусобақалар давомида танишиб, дўстлашган гимнастикачи қизлар ҳозир ҳам бир-бирлари билан хабарлашиб туряпти. Навоий вилоят гимнастика федерацияси раиси Шаҳно Нарзиеваннинг мангунлиги билан таъкидлашча, у билан кўнги-роқлашиб турган хорижий қизлар Ўзбекистоннинг гузаллиги, халқимизнинг маданияти ва маънавияти, маҳалланинг ноёблиги ҳақида гапирар экан.

Холбиби САФАРОВА.



РЕСПУБЛИКАМИЗ

МАҲАЛЛАЛАРИДА

ЎҚУВ-СЕМИНАРЛАР

БИЛИМ ВА МАЛАКА ОШИРИЛАДИ

«Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқаруви томонидан Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида Фонднинг ҳудудий тузилмалари ходимларининг касбий малакасини оширишга бағишланган икки кунлик ўқув-семинарлар юқори савияда ташкил этилмоқда.

Фонднинг барча ҳудудий бўлим ва бўлимчалари ходимларининг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий ва маънавий-маърифий билимларини янада ошириш мақсадида ташкил этилаётган ушбу ўқув-семинарларда бир қатор вазирлик ва идоралар, нодавлат нотижорат ташкилотлари, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти ҳудудий тузилмалари ходимлари, олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчилари ҳамда Фонд республика бошқарувининг малакали ходимлари иштирок этмоқда.

Куни кеча Фаргона вилоятида «Маҳалла» хайрия жамоат фонди вилоят бўлими ва бўлимчалари ходимларининг касбий малакасини оширишга бағишланган ўқув-семинари бўлиб ўтди.

Унда Президентимиз томонидан илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси, «Юксак маънавият — енгилмас куч», «Ўзбекистон мустақилликка эрилиш оstonасида» асарлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 20 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасининг мазмун-моҳияти, улардаги асосий гоялар ва устувор вазифаларни Фонд ходимлари томонидан маҳалла фаоллари ва кенг жамоатчилик ўртасида тарғиб қилишни самарали ташкил этиш чора-тадбирлари муҳокама этилди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги ҳамда «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги қонунларининг мазмун-моҳияти иштирокчиларга тушунирилди.

Машгулотлар доирасида маҳалланинг давлат бошқаруви органлари устидан жамоатчилик назоратини ташкил этиш, «Оила-маҳалла-таълим муассасаси» ҳамкорлигининг истиқболлари, ҳужжатлар билан ишлаш, ижро интизоми, иш юртишнинг тартиб-қоидалари, бу борадаги услубий қўлланмалар, фуқаролар йиғинлари ҳузуридаги комиссиялар ишини самарали ташкил этиш, ижтимоий шериклик муносабатларини такомиллаштириш, нафақалар ва моддий ёрдамлар тайинлашдаги янги тартиб-таомиллар тўғрисида батафсил маълумот берилди.

Бундай ўқув-семинар Фонднинг Сурхондарё вилояти ҳудудий бўлими ва бўлимчалари ходимлари учун ҳам ташкил этилди. Фонднинг ҳудудий тузилмалари ходимларининг касбий малакасини оширишга бағишланган икки кунлик ўқув-семинарлари бутундан бошлаб республикамизнинг Хоразм, Андижон ва Қашқадарё вилоятларида ўтказилиши режалаштирилган.

Мухбиримиз.

КУЧЛИ ДАВЛАТДАН — КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ

МАҲАЛЛАДА ХИСОБОТЛАР ЭШИТИЛМОҚДА



Чуст шаҳридаги мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган автомобилларнинг пластмасса бутловчи қисмларини тайёрлашга ихтисослаштирилган «Avtosanoatplast» масъулияти чекланган жамиятида айни пайтда 40 нафар маҳалла ёшларидан иборат малакали мутахассислар фаолият кўрсатишади. Корхонада «Lasetti» ва «Spark» автомобиллари учун уч турдаги пластмассали бутловчи қисмларни ишлаб чиқариш йўлга қўйилган.

ТАҚДИМОТ

СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРҒИБОТИ

Истиқлолнинг илк йиллариданоқ Юртбошимиз раҳнамолигида хотин-қизларнинг жамиятдаги мавқеини юксалтириш, уларнинг истеъдод ва қобилиятларини рўёбга чиқариш учун барча имкониятларни муҳайё этишга алоҳида аҳамият қаратиб келинаётган.

Бутун ана шу изчил чора-тадбирлар ва юксак эътибор ўз самарасини бериб, юртимиз қизлари илм-фан, адабиёт ҳамда спортнинг турли соҳаларида ўз иқтидорларини дунёга намоян қилаётган.

Бироқ орамизда фарзандларини илм олиш, ҳунар эгаллаш учун яратилган улкан шароитлардан бебаҳра қолдиришга уринадиганлар ҳам учраб туради ва бу ҳол ачинарли, албатта.

Амшпер Навоий номидаги санъат саройида қизларни эрта турмушга бериш, норасмий никоҳ ва унинг

салбий оқибатлари акс эттирилган «Тулин ой қиссаси» бадий фильмининг намойиши олдидан ўтказилган тадбирда сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита, Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси, Республика «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, Ўзбекистон мусулмонлари идораси, Урта-маҳсус касб-ҳунар маркази мутасаддилари соғлом авлод тарбияси билан боғлиқ ана шундай долзарб масалалар юзасидан фикр билдириб, бундай ҳолатлар

< 1

Ўзбекистон Республикаси «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонунининг 10-моддасида шаҳарча, қишлоқ, овул фуқаролар йиғини ва шаҳардаги маҳалла фуқаролар йиғинининг ваколатлари белгиланган бўлиб, йилнинг ҳар чорағида туман, шаҳар ва вилоят ҳокимликлари раҳбарларининг фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари фаолияти соҳасига кирувчи масалалар юзасидан ҳисоботларини эшитиб бориши кўрсатиб ўтилган.

Шунга асосан, Чуст тумани ҳокими, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси Хайрулло Бозоров Қорақўрғон шаҳарчаси фаоллари, жамоатчилик вакиллари, аҳоли олдидан ҳисобот берди.

Дарҳақиқат, шаҳарчадаги 32-умумтаълим мактаби залида ташкил этилган учрашувда туман ҳокими бутунги кундаги мавжуд ижтимоий-сиёсий аҳвол, туманда амалга оширилаётган кенг кўламли бунёдкорлик ишлари, аҳоли бандлигини таъминлаш борасидаги сайъ-ҳаракатлар ҳақида батафсил тўхтади. Учрашувда, шунингдек, маҳаллий ҳокимлик билан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ўртасидаги ҳамкорлик, айниқса, жамоатчилик назоратини янада кучайтириш юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилди.

— Ёшим саксондан ошди. Маҳаллага кўрсатилаётган бутунгидек эътиборни ҳеч қачон кўрмаганман. — дейди маҳалла фаолларидан Соатили Турдалиев. — Туман раҳбарининг ҳисоботи бизни тўққизлангирчи юборди. Чунки ҳисоботда кейинги уч йил давомида нафақат туманимизда, балки Наманганда олиб борилган кенг кўламли ислохотлар ҳақида батафсил фикр юритилди. Айниқса, ободонлаштириш, намунавий лойиҳа асосида

янги ўй-жойлар қуриш, коммунал соҳани такомиллаштириш, аҳолига хизмат кўрсатиш даражасини янада яхшилашга доир маълумотлар эътиборимизни тортди. Шундай юртда яшашганимизга яна бир бор шукроналар айтдик. Шу билан бирга, туманимиз ҳокими биз маҳалла фаоллари олдидан турган долзарб вазифаларга ҳам алоҳида тўхталиб ўтди. Хусусан, томорқалардан оқилона ва самарали фойдаланиш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва янги иш ўринлари яратиш, чегара ҳудудда огоҳлик ва ҳушёрлиқни таъминлашда ҳамкорликни янада кучайтиришга чақирди. Бунга жавобан биз оқсоқоллар шу ернинг ўзида фуқаролар йиғинига яқиндан ёрдам беришга келишиб олдик.

Қорақўрғонликлар азаддан меҳнаткашлиги, тантлиги билан ном қозонган. Наманганнинг машҳур мевалари орасида бу ҳудудда пишиб етилидиган сархил омаларнинг таъми бошқача. 22 гектардан зиёд томорқа ерларида, асосан, картошка ва сабзавотлар етиштирилади. Шаҳарча марказида қад ростлаган замонавий умумтаълим мактаби, қишлоқ врачлик пункти, 2 та дўкон, гузардаги хизмат кўрсатиш шохобчалари фаолиятидан аҳоли мамнун.

Туман ҳокимининг ҳисоботидан сўнг шаҳарчада Обод турмуш йилида олиб бориладиган кенг кўламли ободонлаштириш, бунёдкорлик ишлари ҳам маслаҳатлашиб олинди.

Маҳаллий бошқарув органларининг ҳисоботлари фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида изчил ташкил этилаётгани кучли давлатдан кучли фуқаролик жамиятига ўтиш жараёнида маҳаллаларнинг ўрни тобора мустаҳкамланиб бораётганидан далолатдир.

Жамшид БЕК «Mahalla»

ДАВРА СУҲБАТИ

ҚОНУН ЛОЙИҲАСИ ФАОЛИЯТ ТАКОМИЛИГА ҚАРАТИЛГАН

< 1



Маҳалла институтининг тикланиши ва ривожлантирилиши миллий ва умуминсоний қадриятлар — яқин кўпшчилик ва ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат, ёрдамга муҳтож одамларга раҳм-ҳайрат қилиш, ёшларни ватанпарварлик, жамият олдиданги ўз бурчи ва жавобгарлигини теран англаш руҳида тарбиялашга хизмат қилмоқда. Маҳалла, том маънода, «халқ виждони»га айланиб, озода ва обод Ватан барпо этиш, халқ фаровонлигини таъминлашга йўналтирилган демократик ислохотларни амалга оширишда мустаҳкам таянч вазифасини ўтамоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 14 январдаги 3562-сонли Фармойиши билан маълумланган Фуқаролик жамиятини шакллантириш ва ривожлантириш соҳасида Мамлакатда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясини амалга ошириш бўйича чоралар Дастури ижроси юзасидан «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг янги таҳриридаги лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Унга мувофиқ аҳолини манзилли ижтимоий қўллаб-қувватлашни амалга оширишда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ролини ошириш, жамоатчилик назорати соҳасидаги вазифаларини кенгайтириш, шунингдек, маҳаллани ҳусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнес, ҳунармандчиликни ривожлантириш марказига айлантириш масалалари бўйича ҳуқуқий механизм янада такомиллаштирилмоқда.

Ўзбекистонда аҳолини, айниқса, эҳтиёжманд қишлоқлари маҳалла орқали ижтимоий ҳимоя қилишнинг ноёб тизими тобора такомиллашиб бормоқда. Кам таъминланган оилалар, ёлғиз қариялар, ногирон ва боқувчисини йўқотганларни моддий қўллаб-қувватлаш маҳалла орқали аниқ мақсадга йўналтирилган тарзда амалга оширилмоқда.

Янги таҳрирдаги «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонун лойиҳасида аҳолини манзилли ижтимоий қўллаб-қувватлашни амалга оширишда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ролини ошириш, жамоатчилик назорати соҳасидаги вазифаларини янада кенгайтириш, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини ҳусусий тадбиркорлик, шу жумладан, оилавий бизнес ва ҳунармандчиликни ривожлантириш марказига айлантириш каби вазифалар ечимига алоҳида эътибор қаратилади.



Зиёвуддин МАНСУРОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати:

— Тақдим этилаётган «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонун лойиҳасида мустақиллик йилларида эришилган натижаларни таҳлил этиш, янги шароитда фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ҳуқуқ ва ваколатларини кенгайтириш белгиланган.

Қонун лойиҳаси жаҳон парламентари тарихида тамомла ноёб ва янги тажриба тариқасида ўзбек модели асосида ривожланиётган мустақил Ўзбекистон Республикасининг ўзига хос тараққиёт йўлига тимсол

булувчи, миллий менталитетимиз, ҳаёт тарзимиз тўғрисида тасаввур уйғотувчи, бир сўз билан айтганда, дунё ўрганиши лозим бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжат бўлиши кўзда тутилмоқда.

Чунки азаддан қадриятлар бешиги бўлиб, мустақиллик шарофати билан қонуний асосга эга тизим сиёсатида шаклланиб, тараққиётимизга, тинч-осуда турмушимизнинг ишончли пойдевор бўлиб хизмат қилаётган маҳалла институтини ҳар томонлама пухта ва мустаҳкам қонуний базани тақозо этмоқда. Мазкур қонун ана шу эҳтиёжни тўлиқ қондириш йўлида муҳим асос бўлади.



Робохон АБДУРАСУЛОВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати:

— Аҳолини манзилли ижтимоий қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш давлат бюджетидан тўғридан-тўғри шу мақсадга йўналтирилган маблағ миқдорини кўпайтириб боришни эмас, аксинча, унинг манроси юзасидан «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг янги таҳриридаги лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Қонун лойиҳасида бу борада қатор ҳуқуқий меъёларни жорий қилиш назарда тутилган. Хусусан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳолини қўллаб-қувватлаш чораларини амалга ошириш, бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказлари билан биргаликда кам таъминланган оилалар, ёлғиз кексалар, пенсияонерлар ва ногиронларни аниқлаш, фуқаролар йиғини ҳудудда яшовчиларнинг бандлигига кўмаклашишни назарда тутилмоқда.

Яна бир муҳим масала шунки, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида фуқаролар йиғини ҳудудда ҳусусий, жумладан, оилавий тадбиркорлик ва ҳунармандчиликни ривожлантиришга кўмаклашиш, бу борада тегишли маслаҳат марказларини ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилиш ваколати берилмоқда. Мазкур маслаҳат марказлари тадбиркорлик фаолиятини ташкил қилмоқчи бўлган фуқаролар йиғини ҳудудда яшовчиларнинг ролини ошириш, жамоатчилик назорати соҳасидаги вазифаларини янада кенгайтириш, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини ҳуқуқ ва ваколатларини кенгайтириш белгиланган.



Арслон ЭШМУРДОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати:

— Маҳалла институтини фаолиятининг ташкилий асосларини янада такомиллаштириш, унинг вазифаларини кўламини кенгайтириш, давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари билан ўзаро яқин муносабатларини таъминлаш мақсадида «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органла-

ри тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Қонун лойиҳасида фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг жамоатчилик назорати соҳасидаги вазифаларини янада кенгайтиришда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига тегишли ҳудуддаги тадбиркорлик фаолияти субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилиши, шунингдек, коммунал хизматлар кўрсатиш сифати устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш бўйича қўшимча ваколатлар бериш ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш шакллари ҳамда бу борадаги кафолатлар белгиланмоқда.



Отабек АБДУҒАНИЕВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати:

— «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонун лойиҳасига бир қатор янги нормалар киритилаётган. Жумладан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг мулк ҳуқуқи кафолатларининг ижтимоий-иқтисодий фаоллигини кучайтириш орқали уларга барқарор доимий даромад манбаини яратилиши кўзда тулади.

Қонун лойиҳасида бу борада қатор ҳуқуқий меъёларни жорий қилиш назарда тутилган. Хусусан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳолини қўллаб-қувватлаш чораларини амалга ошириш, бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказлари билан биргаликда кам таъминланган оилалар, ёлғиз кексалар, пенсияонерлар ва ногиронларни аниқлаш, фуқаролар йиғини ҳудудда яшовчиларнинг бандлигига кўмаклашишни назарда тутилмоқда.

Яна бир муҳим масала шунки, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида фуқаролар йиғини ҳудудда ҳусусий, жумладан, оилавий тадбиркорлик ва ҳунармандчиликни ривожлантиришга кўмаклашиш, бу борада тегишли маслаҳат марказларини ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилиш ваколати берилмоқда. Мазкур маслаҳат марказлари тадбиркорлик фаолиятини ташкил қилмоқчи бўлган фуқаролар йиғини ҳудудда яшовчиларнинг ролини ошириш, жамоатчилик назорати соҳасидаги вазифаларини янада кенгайтириш, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини ҳуқуқ ва ваколатларини кенгайтириш белгиланган.

Қонун лойиҳасининг 16-моддасида фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг жамоатчилик назорати соҳасидаги вазифаларини янада кенгайтириш кўзда тутилган. 17-моддасида эса, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга, оилавий бизнесни ташкил этишда кўмаклашиш, бу борада маслаҳат марказларининг тузилиши, 18-моддасида фуқаролар йиғинининг асосий йўналишлари бўйича комиссиялар тузилиши ўз ифодасини топади.

Янги қонун лойиҳасида фуқаролар йиғини қўшидаги комиссиялардан бири айнан Экология ва табиғат муҳофаза қилиш, ободонлаштириш ва кўламли зорлаштириш бўйича комиссияси экани ипобатта олинди. Қонун қабул қилиниши билан маҳалларда амалга оширилаётган экологик назорат ҳуқуқий асосга эга бўлади.

Бир сўз билан айтганда, «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонун лойиҳасига киритилган янги нормалар Концепцияда белгиланган устувор вазифалар, яъни маҳаллани аниқ йўналтирилган асосда аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, ҳусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантириш марказига айлантириш, шунингдек, унинг давлат бошқарув органлари фаолияти устидан жамоатчилик назорати олиб бориш тизимидаги вазифаларини янада кенгайтиришга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Давра суҳбатини Толибжон НИЗОМОВ ёзиб олди.



Хадича Гофурованинг Ховос туманидаги «Истиқлол» маҳалласида хизмат қилаётганига ум етти йил бўлди. У дастлаб фуқаролар йиғинининг масъул котиби сифатида иш бошлаган эди. Уни маҳалладошлари 2005 йили ўзларига раис қилиб сайладилар.

Ишга эрта келиб кеч кетиш — унинг одати. Адиблардан бири: «Ўйидан ишхонасини, ишхонасидан ўйини соғиниб борадиган одам чинакам бахтлидир», деган эди. Бу пурмаъно сўз Х.Гофуровга ўхшаб фидойи инсонларни назарда тутиб айтилган бўлса ажабмас.

Эл ташвиши, қувончларини шодлигига камарбаста бўлиш раиса ҳаётининг мазмунидир. У кўча-кўйдами, идорадами, хуллас, қаерда бўлмасин одамларнинг дардига қулоқ тутаяди, қўлидан келган ёрдамини аямайди.

— Йигинимиздаги 835 та оилада 5841 нафар аҳоли истиқомат

қилади, — дейди опа. — Ҳудудимиздаги ҳар бир оила тўқис ҳаёт кечириб, тотувлик ва ҳамжihatлиқда умргузаронлик қилмоқда.

Маҳаллада жиноятчилик, ҳуқуқбузарликлар тўлақ барҳам топган. Айниқса, вояга етмаганлар ўртасида олиб борилган тушунтириш ишлари, уларнинг ота-оналари билан ўтказилган суҳбатлар бесамар кетмапти. Ҳудуддаги таълим муассасида ташкиллаштирилаётган бундай тадбирларда «Нуроний» жамғармаси ва «Маҳалла» хайрия жамоат фонди

туман бўлими, халқ таълими, ички ишлар бўлимлари ходимлари мунтазам иштирок этиб келишмоқда.

Маҳалладаги ҳар бир ишнинг ба-маслаҳат амалга оширилаётганида Хадича опанинг ҳиссаси катта. Тўй ва маъракаларнинг тартибли, дабдабасиз, ортиқча сарф-ҳаражатларсиз ўтиши, бошига мусибат тушган фуқароларнинг ёнида туриш, кўча ва кўчаларнинг ободлиги, саранжом-сарихалиги, байрамларда миллий урф-одат ва анъаналарнинг қадрланиши, ёлғиз кексалар, беморлар ҳолидан хабар олиш, кам таъминланган оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш каби тадбирларда Зуфия Ширинбоева, Маҳмуд Ашуров, Ҳожинисо Файзуллаева, Бибижаннат Тожибоева каби маҳалла фаолларининг, профилактика нозирини Илҳом Қўшбоқов, «Маҳалла посбони» жамоатчилик тузилмаси сардори Вали Боқиевнинг қўмағига таянмоқда.

«Истиқлол» маҳалласи биносида йиғиннинг иш юритиш йиғма жид-дари билан танишдик. Уларни бирма-бир варақлар эканлиги, ҳар бир ҳужжатнинг тартиб билан юритилаётганига ғувоҳ бўлдик. Йиллик, чораклик ва ойлик ҳисоботларининг белгиланган муддатларда жамлангани, иш режа асосида ҳудуддаги ташкилот ва муассасалар раҳбарларининг ваколатлари доирасига кирувчи масалалар юзасидан ҳисоботлари фуқаролар йиғинларида эшитиб борилиши, йиғин қўшидаги комиссиялар фаолияти яхши йўлга қўйилгани йиғинда тўпаланган тажрибадан дарак беради.

— Хадича опа намунали раисларимиздан, — дейди «Маҳалла хайрия жамоат фонди» туман бўлими раиси Ғулом Норбўтаев. — Унинг иш юритишини туман миқёсида бир неча

мартта бошқа маҳаллаларга ибрат қилиб кўрсатганимиз. Бу ерда масъул котибининг иш юритиш, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчининг оилалар билан ишлаш амалиёти, «Маҳалла посбони» жамоатчилик тузилмаси сардорининг маҳаллада ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш борасидаги тажрибаларини оммалаштириш мақсадида семинарлар ташкил қилдик.

Хадича Гофурованинг маҳалла раиси сифатидаги ишларини ўрганиш асосида унинг оиласи билан ҳам қизиқдик. Опанинг намунали ўй бекаси эканини барча суҳбат-дошлар алоҳида эътироф этишди.

«Энг намунали фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари» танловининг вилоят босқичида биринчи ўринни эгаллаган «Истиқлол» маҳалла фуқаролар йиғини танловнинг республика босқичида иштирок этиб, «Ҳудудда аҳоли бандлигини таъминлаш ишларини тизимли ҳамда самарали ташкил этган фуқаролар йиғини» номинацияси бўйича ғолибликни қўлга киритди.

Асли касби ҳамшира бўлган Хадича опа маҳаллада олиб борган намунали ишлари туфайли эл назарига тушди. Унинг келгусидаги режаларини эшитиб, маҳаллааримизда ана шундай фидойи, жонқур инсонлар қанча кўп бўлса, Ватан ичра мўъжаз ватан, дея эъзозланаётган гўшларимиз янада обод ва файзли бўлишига амин бўлдик.

Тошпўлат ҲАЙИТБОВ «Mahalla»

КОЛЛЕЖ-КОРХОНА ҲАМКОРЛИГИ

БИТИРУВЧИГА ИШ ЎРНИ ТАЙИН



< [1]

2012 йилда қурилиши ниҳоясига етказилган энг йирик объекталар ҳақида гапирганда, Навоий иссиқлик электр станциясида Япониянинг «Мицубиси» компанияси томонидан ишлаб чиқарилган 478 мегаватт қувватга эга бўлган бут-газ қурилишининг ишга туширилганини алоҳида қайд этиш лозим. Ушбу лойиҳанинг амалга оширилиши йилга қўшимча равишда 2 миллиард 800 миллион киловатт соат электр энергияси ишлаб чиқариш имконини беради. Шунингдек, бу лойиҳа ҳисобидан шартли ёқилги истеъмолини 1,8 марта камайтиришга, ҳар йили 400 миллион куб метр газни тежаш ёки 110 миллион доллардан ортиқ маблагни иқтисод қилишга эришамиз».

Бутун дунё бўйича жаҳон

момвий-иқтисодий инқироз давом этаётган бир пайтда мамлакатимиз раҳбари томонидан олиб борилаётган инвестиция сиёсати натижасида юзлаб замонавий корхоналар ишга тушмоқда. 2012 йилнинг сўнги чорагида «Навоий иссиқлик электр станцияси» ОАЖда мамлакатимиз энергия тизимида биринчи бўлиб йирик халқаро инвестиция лойиҳаси асосида қиймати 468 минг АҚШ долларига тенг бут-газ қурилмаси барпо этилиши тарихий воқеа бўлди.

Корхонада энергоқувват ишлаб чиқарувчи усуну-қурилмаларнинг энг сўнгиси ишга туширилганига 30 йилдан ошди. Шунингдек оладинлар бўлсақ, энерготизимга янги технологияларни олиб кириш нақадар зарурлигини ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди. «Ўзбекэнерго» давлат акциядорлик компания-

си томонидан энерготизим таркибидagi корхоналарни модернизация қилиш, энергоқувватларни янгилаш, замонавий технологияларни олиб кириш орқали мавжуд ёқилги ва гидроэнергетик ресурслардан тежамкорлик билан фойдаланишни кўзда тутувчи кенг қамровли инвестицион лойиҳалар дастури амалга оширилмоқда.

Янги қурилмадаги барча технологик жараёнлар, химоя тизимлари компьютерлаштирилган бўлиб, уларни малакали ёш мутахассис кадрлар бошқаради. Шу боис, қурилиш жараёнида махсус дастурлар асосида ходимлар танлаб олиниб, тайёргарликдан ўтказилди. 2012-2013 ўқув йилида касб-хўнар коллежларини тутатган 20 нафар ёш мутахассис Япониянинг «Мицубиси» компанияси корхоналарида малака ошириб келгани, айниқса,

этирофга лойиқ, Яна бир гуруҳ ёшлар Испаниянинг Мадрид шаҳрида ўқув курсларида ўқиб қайтдилар.

— Утган йили ҳудудимиздаги 5 та касб-хўнар коллежини 1776 нафар ўғил-қиз битирди, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фондининг Кармана тумани бўлимсиси раиси вази фасини бажарувчи Зебо Очилова. — 1300 нафардан ортиқ битирувчи уч томонлама шартнома асосида ишга жойлашди. Биз жамоатчилик назорати асосида шартномаларнинг тула-тукини бажарилишини назорат қилиб бордик. Таъкидлаш жоизки, туманимиздаги саноат касб-хўнар коллежи ҳамда саноат-иқтисодиёт коллежи битирувчиларининг кўпчилиги Навоий иссиқлик электр станциясига ишга жойлашди. Бу коллежларда айнан шу корхона учун мутахассис-кадрлар тайёрлаб берадиган йўналишлар мавжуд. Ўқувчилар тахсил жараёнидаюқ корхонада амалиёт ўтаб, кейин шу жойда ишлаб қолишяпти. Бу ёш кадрнинг маҳоратини оширишни учун ҳам, корхонанинг ишни эълайидиган мутахассисга эга бўлиш учун ҳам, бир сўз билан айтганда, ҳар иккала тараф учун фойдалидир.

2012-2013 ўқув йилида вилоятдаги касб-хўнар коллежларини 20272 нафар ўқувчи битиради. Айни пайтда битирувчиларни иш билан таъминлаш мақсадида уч томонлама шарт-

номалар тузилмоқда. Ҳадемай, бўлажақ мутахассислар дипломи бўлагч, ишлайдиган корхона-ташкilotларида амалиёт ўтай бошлайдилар.

— Утган 2011—2012 ўқув йилида вилоятдаги 47 та касб-хўнар коллежини битирган 17947 нафар ёш йигит-қизнинг 16385 нафари ишга жойлаштирилди, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фондининг Навоий вилояти бўлими бошқаруви раиси Нормурод Исоқов. — Уларнинг қарийб 41 фоизи уч томонлама шартномалар орқали бириктирилган корхоналарда, 46 фоизи эса бошқа корхоналарда ишляпти. Бунинг ўзиёқ маҳалла тузилмалари «корхона-коллеж» ҳамкорлигига жиддий эътибор қаратиши лозимлигини кўрсатади. Нега ишга жойлаштириш 100 фоиз уч томонлама шартнома асосида амалга оширилмади? Балки корхоналар шартномалари мажбуриятини бажармаётгандир, бунинг биз жамоатчилик асосида назорат қилишга ҳақимиз. 1030 нафар коллеж битирувчисида тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйишлари учун 4,1 миллиард сўмлик кредит маблағлари ажратилди.

Таъкидлаш лозимки, утган йили касб-хўнар коллежлари битирувчилари бандлигини таъминлаш мақсадида вилоятда 41 та ихтисослаштирилган бўш иш уринлари ярмаркаси ўтказилди. Коллеж ва лицейлар битирувчиларининг меҳнатларидан

фойдаланиш бўйича шаҳар ва туман ҳокимликлари ҳузурида Мувофиқлаштирувчи кенгашлар тузилган. Жойлардаги маҳалла тузилмалари вакиллари ҳам кенгаш таркибига киритилган. Бу ўқувчиларнинг дарсларга мунтазам қатнаб, етарли билим олишини, уларни ишга жойлаштириш мақсадида тузилган уч томонлама шартномалар ижросининг назоратини таъминламоқда.

Вилоят ўрта махсус касб-хўнар таълими бошқармаси битирувчиларини ишга жойлаштириш таъминлаш бўлими бошлиги Шухрат Вафоевнинг таъкидлашича, мазкур ўқув йилида касб-хўнар коллежларининг 3-босқичида таълим олаётган 18007 нафар йигит-қизга келгусида тадбиркорлик фаолиятини шакллантириш учун тижорат банклари томонидан 3,5 миллиард сўмлик иттиёзли кредит маблағлари ажратилиши кўзда тутилган. Тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш учун 1659 нафар битирувчининг рўйхати шакллантирилди. Шунингдек, битирувчиларни ишга жойлаштириш учун 40 марта ихтисослашган меҳнат ярмаркаси ўтказиш режалаштирилган.

Албатта, бу хайрия ишларининг амалга ошишида маҳалла фуқаролар йигинлари ҳам фаол иштирок этмоқда.

Холбиби САФАРОВА
«Mahalla»

ХУШХАБАРЛАР

Тадбиркорга мададкор



Бизнес режа нима учун керак? У қандай тузилади? Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун ишни нимадан бошлаш лозим?



Белини маҳкам боғлаб ишбилармонлик билан шугулланишга аҳд қилган ёхуа банкдан кредит олиш ниятида бўлган киши борки, бу сингари савомаларга жавоб излайди. Ана шундай савомаларга жавоб топиш мақсадида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Тараққиёт Дастурининг Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги билан ҳамкорликдаги лойиҳаси асосида қўлланма яратилди. Янги иш бошлаган ҳамда тажрибага эга тадбиркорларга, олий ва ўрта махсус касб-хўнар ўқув юрталарининг талабаларига мўлжалланган «Бизнес режа тузиш бўйича қўлланма» бизнес режа тузиш бўйича амалий тавсияларини ўз ичига қамраб олган.

Қўлланмада тадбиркорлик субъектларининг асосий турлари, давлат рўйхатидан ўтиш босқичлари, лицензиялаш, бизнес режанинг таркибий қисмлари, маркетинг стратегияси, молиялаштириш манбалари ҳамда ҳисоб-китоб баланси бўйича маълумотлар берилган. Иловада солиқ ставкалари, фойдали ресурслар бўйича маълумотлар, терминларнинг изохми дутати ҳамда намунаи бизнес режа келтирилган.

Қўлланмани тайёрлашда 2012 йил 10-12 март кунлари Наманган шаҳрида бўлиб ўтган бизнес режа тузиш бўйича семинар иштирокчиларининг таклифлари инобатга олинган.

— Қўлланма амалий жиҳатдан жува фойдалидир, — дейди Республика «Хўнарманда» уюшмасининг Наманган вилояти бўлими раҳбари Икромжон Каримов. — Хусусан, унинг иловасида келтирилган намунавий бизнес режа тадбиркорлик билан шугулланиш истагидати кишиларнинг ўз бизнес режалари тузишлари учун намуна бўлиб хизмат қилади.

«Бизнес режа тузиш бўйича қўлланма»нинг электрон вариантини БМТ ТДнинг Ўзбекистондаги валакатхонаси веб-саҳифаси — www.undp.uz манзилдан юклаб олиш мумкин.

Нилуфар ШЕРМАТОВА.

ОСОЙИШТАЛИК ПОСБОНЛАРИ

ҲАМЖИҲАТЛИК — ЮТУҚЛАР ГАРОВИ

Хўжайли туманидаги 17-сонли маҳаллада жойлашган 156-милиция таянч пункти фаолияти яхши йўлга қўйилгани билан тумандагина эмас, Қорақалпоғистон Республикасида ҳам алоҳида эътибор қозонган. Замонавий услубда янгидан қурилиб, фойдаланишга топширилган бу масканда аҳоли тинчлигини таъминлаш борасида талай ишлар амалга оширилаётир.

Маҳалладаги 710 та оилада 4939 нафар аҳоли яшайди. Икки та умумтаълим мактабида ўсиб келаётган ёш авлодга таълим-тарбия бериш учун барча шароит муҳайё қилинган. Профилактика катта инспектори, катта лейтенант Азамат Жуманов маҳалла фаоллари билан ҳамкорлигини мустаҳкамлагани боис, ондасонда ҳудудда содир бўладиган оилавий низолар Яраштириш комиссияси аралашуви билан жойида ҳал қилинмоқда.

— Таянч пункти қошида спорт майдончасининг ишга туширилгани ёшларнинг бўш вақтинини мазмунли ўтказишларида асқотмоқда, — дейди туман ички ишлар бўлими Боғга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси гуруҳи инспектори, лейтенант Назира Турдимуратова. — Бу ерда 36 нафар ўсмир футбол ва баскетбол билан мунтазам шугулланаётир. Бундан ташқари, милиция таянч пункти атрофида бичиш-тиктиш цехи, сартароҳхона, компьютер техникалари учун хизмат кўрсатиш устаноналари мавжуд. Биргина бичиш-тиктиш ва зардузлик цехида 24 нафар аёл иш билан таъминланган.

Қайд этиш лозимки, ҳудудда юзага келадиган ҳар қандай муаммо маҳалла фаоллари, диний-маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича мас-

лаҳатчи, профилактика инспекторлари, «Маҳалла посбони» жамоат тузилмаси сардори ва посбонлар ҳамкорлигида аниқланиб, ўз вақтида ечим топаётир. Бунинг натижасида утган йил мобайнида ҳудудда бирорта ҳам оғир ва ўта оғир жиноят содир этилишига йўл қўйилмади. Натижада аҳолининг фаолларга ва ички ишлар идоралари ходимларига бўлган ишончи янада мустаҳкамланаётир.

Диний-маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи Бахит Абдуҷамолова ва посбонлар сардори Исролом Холмуродов профилактика инспекторлари билан ҳамжиҳатликда ҳудудда тинчлик ва осойишталиқни сақлаш, кишиларнинг ўзаро аҳил-иноқлиги ҳамда атроф-муҳитнинг обод ва кўркем бўлишини таъминлашда ҳамisha елкаш.


Дарвоқе, маҳалла ҳудудида жойлашган милиция таянч пункти Қорақалпоғистон Республикаси миқдасида ўтказилган «Намунаи милиция таянч пункти» танлов-кўргазмасида ғолиблиқни қўлга киритди. Энди навбат пойтахтда ташкил этиладиган республика босқичига.

Улғубек ТУЙМАОБОВ,
ИИБ Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бош бошқармаси матбуот котиби,
подполковник.

ОРАСТА ХОНАДОН

КЎНГИЛГА КЎЧГАН ТУЙҒУ

Ҳайитмат уста отасининг васиятларини виждонан адо этаётгани боис эл-юртда кам бўлай қеляпти. Отаси — машҳур наққош Сафо уста Боғибековнинг қайта-қайта таъкидлайдиган сўзлари шундай эди: «Дунёда энг бахтли инсон — покизаликка интилган инсон. Покизалик мужассам хонадоннинг эшигини бахтнинг ўзи очиб келади. Орасталик бор жойда тартиб, интизом, барака бўлади».



Бутунги кунда давраларнинг, туйларнинг тури уники. Кўча-кўйда қўришга диққатига ошқадилар. Сўхбатларини соғинадилар. Маслаҳат, тажрибаларини олишни бахт биладилар. Туман, шаҳарлардан, бошқа вилоятлардан дўст-ёрали кўп. Хорижлик сайёҳлар ҳам хонадонига меҳмон бўлиб, орасталиқдан, устaxonасидаги наққошлик санъати намуналаридан, турфа гуллардан ҳайратланган пайтлар кўп бўлган.

Ҳайитмат устанинг оиласи Хива шаҳридаги «Сангар» маҳалласидаги энг ибратли оилалардан бири. Йилнинг қайси фаслида ҳовлисига кирсангиз баҳридинингиз очилади. Ҳаммаёқ чиннидай озода. Қиш фаслида ҳам хонадонига турфа гуллар кўрк бағишлаб туради. Ҳовлиснинг Гандимён қишлоғига туташ жойида ташландиқ қўл бор эди. Ҳайит-

мат устанинг ташаббуси билан қўл ўрни аjoyиб богга айланди. Богда олма, ўрик, хоннашватиси, гилос, анжир, ҳулаас, мевади дархатларнинг турли хиллари ҳар йили ҳосил беради. Уста меваларни кўни-қўшнилари билан баҳам кўради. Небараларидан челақаб кам таъминланган оилаларга бериб юборади. Маҳалла тўйхонаси ана шу богга туташ. Устанинг ҳовлиси ва тўйхонанинг теvarак-атрофлари райхоннинг ҳидидан беҳиш-ни эслагани, десак муболаға бўлмас. Беш нафар фарзандига ҳам алоҳида ҳовли қўриб берди. Уларнинг ҳовлилари ҳам ҳавас қилса арзигулк.

Ҳайитмат Боғибековнинг мамлакатимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, иқтисодий қудратини ошириш, ёш авлодин миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялашга қўшаётган ҳиссаси, муносиб тақдирланган. Уста Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонида кўра «Ўзбекистон халқ устаси» унвонига, «Эл-юрт ҳурмати» орденига мушарраф бўлган. У чиндан ҳам ҳурматга сазовор, истеъдодли наққош. Маҳалла фахри.

Унинг наққошлик санъати намуналари нафақат мамлакатимиз, балки Франция, АҚШ, Германия, Италия каби хорижий мамлакатларда утган кўргазмаларда намоиш этилиб, совринли уринларни олади, дипломлар билан тақдирланган.

Ҳар гал пойтахт Тошкентга йўлим тушганида Мустақиллик майдони мажмуасида Ҳайитмат устанинг сеҳрли қўлларида сайқал топган «Хотира хиёбони»даги устунларни, пештоқларни ҳавас билан кўзатаман. Бир-биридан сержило, чиройли, миллий нақшларда ҳаётимиз, умримиз ҳам шундай гузёл, турмушимиз янада обод бўлсин, деган ҳикмат яширингандай туюлади. Ҳайит-

мат устанинг игна билан қудуқ қазиб баробаридаги меҳнати Хоразм воҳаси маркази Урганч шаҳридаги «Хотира хиёбони» устунлари, Нукусдаги Берақ театри, Латвиянинг Юрмала шаҳридаги «Ўзбекистон» ресторанига ўрнатилган икки табақали эшик ва панжаралар, Урганчдаги Ал-Хоразмий, Беруний бог-мажмуалари эшик ва панжаралари, Хива тарихий ёдгорликлари таъмирини ҳам намоён. 1995 йилда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 50 йиллигига бағишлаб пойтахтда ўтказилган Республика бадий хўнармандчилиги ва амалий санъати кўргазмасида у биринчи даражали диплом ва сертификат олишга сазовор бўлди.

Республика «Уста» бирлашмасининг Хоразм амалий ва бадий ишлаб чиқариш корхонаси ёғоч ўймакори Ҳайитмат Боғибековнинг Анварбек, Ойбек, Носирбек, Насрулло исми фарзандлари ҳам отаси ёнида боболари касбини улуғлайпти. Умр йўлдоши Роҳатжон гиламдўзлик билан шугулланади. Ҳайитмат уста наққошлик бўйича маҳаллада «Устоз-шоғира» мактаби ҳам очган.

— Маҳалламизда турт минг беш юздан зиёда аҳоли яшайди. 29 кўча, 675 хўжалик бор, — дейди маҳалла фуқаролар йигини раиси Тоҳиржон Жабборов. — Ҳудудимизнинг обод, ораста бўлишида, ёш авлодин касб-хўнарни қилишда Ҳайитма уста Боғибековнинг хизматлари катта. Ундан ибрат олган Абдулла Абдураулов, Ботир Давлатов, Бахтиёр Самадов, Темур Раҳмонов, Илҳом Мадррахимов, Равшан Шеринёзов, Шоназар Матқўбобов каби маҳалладошларимиз ҳам орасталик, покизалик борасида намунаи оилалар соҳиблари ҳисобланадилар. Ҳар ойда «Энг ораста хонадон» танлови ўтказилади. Ҳайитмат Боғибеков хонадони Обод турмуш йили илк ойининг голиб бўлди.

Оқсоқол билан голиб хонадон соҳибини кўтлар эканмиз, ҳамisha эда азиз булаверинг, дея тилак билдирдик. Зеро, токи ободлик кўнгилларга кўчар экан, юртимиз тобора чирой очаверади...

Абдулла САФОВ
«Mahalla»

СОЛИҚ ТИЗИМИ

ЧАКАНА САВДО ҚАНДАЙ АМАЛГА ОШИРИЛАДИ?

Юртимизда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун барча шарт-шароит муҳайё қилинган. Хусусан, юридик шахс бўлмаган якка тартибдаги тадбиркорлар ҳам чакана савдо билан қонун ҳужжатларига мувофиқ шугулланишлари мумкин.

Бунда уларнинг тургун чакана савдо шохобчалари орқали чакана савдини бир нечта асосга кўра олиб боришлари кўзда тутилган. Юридик шахс бўлмасдан тадбиркорлик фаолияти билан шугулланувчи жисмоний шахс сифатида давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳномалар, якка тартибдаги тадбиркорда чакана савдини амалга ошириш учун моддий-техник базанинг мавжудлигини тасдиқловчи ҳужжатлар, давлат

солиқ хизмати органининг назорат-касса машинасини олдиндан рўйхатдан ўтказганлик тўғрисидаги маълумотномалар шулар жумласига киради. Товарларни чакана сотиш якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан фақат ўзининг ёки ижарага олинган тургун савдо тармоқлари орқали, назорат-касса машиналари мажбурий қўлланган ҳолда амалга оширилиши мумкин.

Қайд этиш зарурки, тургун савдо

шохобчаларида банк пластик картчаларидан фойдаланган ҳолда тўловлари қабул қилиш бўйича ҳисоб-китоб терминалининг мавжудлиги таъминлини керак. Чакана савдини тургун савдо тармоқлари орқали амалга оширишда товарларни савдо шохобчасидан ташқарида, шу жумладан, дўкончалар орқали сотишга йўл қўйилмайди.

Дарҳақиқат, чакана савдини амалга оширувчи якка тартибдаги тадбиркорлар товарларини сотиб олинганлигини тасдиқловчи ҳужжатларга, қонун ҳужжатларига белгиланган ҳолларда сотиш жойларида сотилаётган товарларнинг мувофиқлик сертификатларига эга бўлишлари шарт. Сотиладиган товарлар витриналарга қўйилган бўлиши ва келиб чиққан мамла-

кати, ишлаб чиқарувчиси ва нархи кўрсатилган нархномаларга эга бўлиши керак. Яроқлилик муддатига эга товарларни сотиш чоғида нархномаларда яроқлилик муддати ҳам кўрсатилиши лозим.

Чакана савдо фаолиятини амалга оширувчи якка тартибдаги тадбиркорлар белгиланган тартибда даромадлар ва товар операциялари ҳисобини юриштилари даркор.

Бозорларда ва савдо мажмуаларида импорт истеъмол товарлари билан чакана савдо қилиш тижорат фаолияти учун мулккаланган товарларни олиб келувчи юридик шахс бўлмаган якка тартибдаги тадбиркорлар сифатида белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган ҳамда «эркин муомалага чиқариш» режимида расмийлаштирил-

ган юк божхона декларацияси, мувофиқлик сертификати вакиллари мавжуд бўлганда, божхона тўловлари ва бошқа мажбурий тўловлар туланганда жисмоний шахслар томонидан амалга оширилиши мумкин.

Бир сўз билан айтганда, юридик шахс бўлмаган якка тартибдаги тадбиркорларга бундай кенг қўламини имкониятларнинг яратилгани юртимизда халқ истеъмоли молларининг чакана савосини янада ривожлантиришга, бозорларимизда маъмуричиликни таъминлашга ҳамда элимиз дастурхонининг тукини бўлишга хизмат қилади.

Г.ДОСМУҲАМЕДОВ,
Юнусобод тумани
давлат солиқ инспекцияси
бўлим бошлиғи.



Глобал экологик жамғарма гранти



Глобал экологик жамғарма республикамизга 12,699 миллион АҚШ доллари ҳажмида грант ажратди.

Мазкур грант қишлоқ хўжалигини барқарор ривожлантириш ва иқлим ўзгариши оқибатларини камайтиришга йўналтирилган ушбу лойиҳа Андижон, Бухоро, Жиззах, Қашқадарё, Самарқанд, Сирдарё, Тошкент ва Фарғона вилоятларида агробизнес ва фермер хўжаликлари учун муҳим ҳисобланган янгиланган энергия ва фойдали технологияларни ишлаштириш, шунингдек, маҳаллий даражада деградиацияга учраган ерларнинг мелiorирувчи ҳолатини яхшилаш ҳамда сув ресурсларидан оқилона фойдаланишга қўмаклашди.

Лойиҳа Глобал экологик жамғарма ва Халқаро ривожланиш ассоциациясининг 120,66 миллион доллар ҳажмидаги маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади ва қишлоқ хўжалик корхоналарини қўллаб-қувватлаш лойиҳасининг тўдирувчи қисми ҳисобланади. Қишлоқ хўжа-

лигини барқарор ривожлантириш ва иқлим ўзгариши оқибатларини камайтиришга йўналтирилган ушбу лойиҳа Андижон, Бухоро, Жиззах, Қашқадарё, Самарқанд, Сирдарё, Тошкент ва Фарғона вилоятларида агробизнес ва фермер хўжаликлари учун муҳим ҳисобланган янгиланган энергия ва фойдали технологияларни ишлаштириш, шунингдек, маҳаллий даражада деградиацияга учраган ерларнинг мелiorирувчи ҳолатини яхшилаш ҳамда сув ресурсларидан оқилона фойдаланишга қўмаклашди.

Абдусаттор ЛОЛАЕВ,
ЎЗМУ талабаси.

ЭРКИН КУРАШ

Полвонларимизнинг бир жуфт медали



✓ Туркиянинг Истанбул шаҳрида ўтказилган халқаро турнирда ўнга яқин давлатдан ўттиз нафардан зиёд полвон етти вази тоифасида куч синашди.

Вазни 120 килограммгача бўлган полвонлар баҳсида жаҳон чемпионати совриндори, Осиё чемпиони Қурбон Қурбоннов кумуш медалга сазовор бўлди.

74 килограмм вазн тоифасида гиламга чиққан Осиё чемпиони Рашид Қурбоннов учинчи ўринни эгалаб, терма жамоамиз ҳисобига бронза медал ҳушиди.

ФУТБОЛ

«Насаф» Польша чемпионини енгди



✓ Футбол мавсумига пухта тайёргарлик қўраётган етакчи жамоаларимиз Туркиядаги ўқув-машгулот йигинлари доирасида хориж клублари билан ўртоқлик учрашувларини ўтказмоқда.

Қаршининг «Насаф» жамоаси Польша чемпиони — «Рух» жамоасини 1:0 ҳисобида енгди. Ҳамюртларимизга галаба келтирган голни 29-дақиқада Артур Еворовкин киритди.

Ўзбекистон чемпиони «Пахтакор» ва Польшанинг «Подбескидзе» жамоалари ўртасидаги учрашувда ҳисоб очилмади.

Мамлакатимиз кубогини соҳибига «Бунёдкор» Қозогистон чемпиони «Шахтёр» билан 1:1 ҳисобида дуранг ўйнади. Футболчиларимиздан Луффулло Тураев гол киритди.

ЎЗА.

ОИЛА-МАҲАЛЛА-ТАЪЛИМ МУАССАСАСИ ҲАМКОРЛИГИ

ФАРЗАНД БАХТИ, САОДАТИ — ЮРТНИНГ ИҚБОЛИ



< 1

Бу ишлар ёшларимизни «оммавий маданият» ва муқаддас динимизга ёт оқимлар таъсирига тушиб қолмасликларининг олдини олишга хизмат қилади. Қолаверса, уларнинг ота-оналари билан тез-тез суҳбатлар уюштириб турамыз. Бола буш вақтида нима билан машғул, қандай мушиқа тинглаётти, қул телефонида нима мақсадларда фойдаланяпти —

булар ота-онанинг назаридан четда қолмаслиги керак. Чунки бу воситалар бола онгини заҳарлайди.

Ўзим узок йиллар халқ таълими соҳасида фаолият кўрсатганим боис, бола психологиясини яхши биламан. Боладаги турли номақбул хатти-ҳаракатлар кўпинча бекор қолишидан келиб чиқади. Шунинг учун имкон қадар уларни фойдали машғулот билан бағд этиш керак. Баъзан бола тарбиясига ота-оналарнинг ўзлари

ҳам салбий таъсир кўрсатишади.

Яқинда бир ота-она ўн тўрт яшар ўғлининг номақбулликдан шикоят қилиб чиқди. Компьютер, деб хархаша қилган экан, олиб беришибди. Энди эса, машина олиб беришибди, деб туриб олганмиш. Аслида, бу оилда ҳамма нарсаси етарли. Доимо боланинг айтгани айтган, дегани деган бўлиб келгани оқибатида бола тарбияси издан чиққан. Бундай муаммоларга йигин қошидаги «Ота-оналар университети»да ечим топилаётти. Унда бола тарбиясида ота-онанинг масъулияти, оилда отанинг ўрни қандай, онанинг вазифаси нималардан иборат бўлиши кераклиги, оилдаги маънавий муҳит хусусида маърузалар ўқилипти. Қарши давлат университетининг профессор-ўқитувчилари, ички ишлар идоралари ходимлари, соғлиқни сақлаш тизими вакиллари, дин пешволари, нуруний отахон ва онахонлар ҳаётини мисоллар орқали кенг, батафсил тушунча берилишяпти. Ибратли оила бошлиқлари ҳам ўзларининг фикр-мулоҳазалари билан иштирок этишяпти.

Мақтабимизни битирган ёшларни касб-хўнар коллежларига жалб этиш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратганмиз. Ўтган йили 106 нафар ўқувчи мактабни битирган бўлса, уларнинг барчаси касб-хўнар коллежлари ҳамда академик лицейларда тахсилни давом эттирмоқда. Бу жараёнда, албатта, ўқувчиларнинг қизиқиш ва ин-

тилишлари инобатга олиниб, мактаб маъмурияти билан кенгашган ҳолда шаҳардаги ўрта-махсус таълим муассасаларининг очiq эшиклар кунда қатнашиши таъминланди. Қолаверса, университет вакиллари йигин ҳузуридаги асосий фаолият йўналишлари бўйича комиссиялар аъзолари, йигиннинг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси, «Маҳалла посбони» жамоатчилиги тузилмаси сардори ва мастул котиб ҳар бир ўқувчининг ота-онаси билан боғланиб, уларнинг қизиқишларини ўрганиб чиқишди.


Қарши шаҳар ҳокими ёшларнинг таълим-тарбияси масаласига алоҳида эътибор бериб келади. Хусусан, маҳалла фуқаролар йигинларида бўлиб ўтадиган йигинишларда қатнашиб, бу масалалар атрофида муҳокама қилинади ва ёшлар тарбиясига оид зарур чора-тадбирлар юзасидан маҳалла фуқаролар йигинига ҳисобот беради.

Хуллас, қаерда меҳроқибат бўлса, уша жойда маънавий муҳит ҳам барқарордир. Зотан, навқирон авлод вакиллари қаратилаётган эътибор нафақат фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари зиммасидаги масъулиятли вазифа, балки ҳар бир мутасадди ташкилотнинг шарафли бурчидир.

Муҳиддин НУРОВ,
Қарши шаҳридаги
«Ҳарамжуй» маҳалла фуқаролар йигини раиси.

14 ФЕВРАЛЬ — ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАД БОБУР ТАВАЛЛУД ТОПГАН КҮН

«БОБУРНОМА»ДА ТАРИХИЙ ЖОЙ НОМЛАРИ



«Бобурнома»да шаҳар ва жой номлари ҳақида қимматли маълумотлар жуда кўп. Шаҳрисабз шаҳри номининг келиб чиқишини муаллиф шу йўсинда таққин этади: «Баҳорлар саҳроси ва шаҳри ва боми ва томи хуб сабз бўлур учун Шаҳрисабз ҳам дерлар».

«Полвон», «курашчи паҳлавон» ўзбек тилининг лаҳжаларида турли-

ча ифодаланади. Бобурнинг хизмати туфайли бу сўзнинг «зўр», «бўқа» тарзидаги ифодасига ҳам дуч келамиз: «Ўзбек зўр кишини бўқа дер эмиш. Жонибек дерки: «Бўқамусен? Бўқа бўлсанг, кел, кураш тушайлик».

Буни ўқиган китобхон Тошкент вилояти Бўқа тумани номи этимологияси шу сўздан олинганини англайди. Дарвоқе, 2011 йили 12 октябрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг «Географик объектлар номлари тўғрисида»ги қонуни мамлакатимизда халқимизнинг маънавиятига хос тарихий номларнинг қайта тикланишига ҳуқуқий асос бўлди.

Асарнинг «Тўққиз юз еттинчи (1501-1502) йил воқеалари» бобида Заҳириддин Муҳаммад Бобур оз сонли хос кишилари билан ёв қўздан пана-лаб юрганини қаламга олади. Яъни: «Ҳазрати Хожажон Хожа Самарқанддан чиқиб келиб, Фаркат(Паркент)да ўтириб эдилар. Фаркатта бориб Хожани кўрдим». «Пискентдан кечиб Оҳонгарон кентларида уч-тўрт кун тўхтаб қолдик». «Эртасига Сомсий-

рак туманида давра олиб овга чиқдилар. Келиб Турок чорбоғига тушилиди. Ниҳоясига етказган газалини шу кунни ушбу юрта тутадим. У туталанган газал будир: Жонимдан ўзга ёри вафодор топмадим, Кўнгилмдан ўзга маҳрами асрор топмадим», деб мазкур газалини келтиради.

Бобур қаламга олган бу жойлар Тошкент вилоятининг Пискент, Оҳангарон ва Паркент туманларидир. Машҳур газалини ёзиб туталган жой эса, Паркент туманидаги бутунги «Сомсарак» маҳалла фуқаролар йигини ҳудудига тўғри келади.

— Неча юз йиллардан бери ота-боболаримиз яшаб келган ушбу ҳудуд «Бобурнома»даги Сомсийрак бизнинг Сомсаракдир, — дейди мазкур йигини раиси Турдудин Шералиев. — Маҳалламиз ҳақида дунёга машҳур асарда ёзилгани ҳаммамизга гурур бағишлайди. Дарвоқе, одамлар орасида кишига ярашмайдиган ишга бош қўшаётганларга қарата айтиладиган: «Ҳе, бу ишинг билан Бобур бобонинг руҳини безовта қиласан», де-

ган бир ҳикматомуз танбех, маънавий мезон борки, бу ҳам адибнинг эл орасидаги сиймоси нақадар улуглигини далиллашди.

Маҳалламиз ҳудудига шох ва шоир бобомиз кўп мўддат бўлмаган. Аммо ўша оғир кўналар билан боғлиқ воқеалар жой номларига кўчган. Чунончи, бутунги Бобуртепада у киши ўрнашган иккита ҳодир, отхоналар ўрни бор. Уларнинг барчаси авлиё Шамчироқ ота бўлган яқинидадир.

Бутун бу тарихий жойлар, тепаликлар ёш авлод онига ватанпарварлик тўғрисида сингдиришга хизмат қилади. Маҳалла ва таълим муассасаси ҳамкорлигида ушбу ҳудудларга саёҳатлар уюштирилиб, улуғ шоир ҳақида қизиқарли суҳбатлар ташкил этилмоқда. Бундай тадбирларда туманининг барча мактаблари ўқувчилари нуруний отахонлар, олимлар мазийдаги воқеалар ҳақида сўзлайдилар.

Нурилла ЧОРИЕВ
«Mahalla»

Мурожаат учун «АСАКА» банк (ОАЖ) филиаллари телефонлари: 120-39-81, 120-39-60, 120-39-63.

Филиаллар	Қо	Телефон
Тошкент шаҳар филиали	371	120-83-13
Автотранспорт филиали	371	120-39-95
Шайхонтоҳур филиали	371	140-39-36
Юнусовод филиали	371	221-80-67
Сирғали филиали	371	258-67-49
Тошкент вилоят филиали	371	120-84-13
Андижон вилоят филиали	374	224-40-96
Асака филиали	374	233-13-69
Фархад филиали	374	226-97-53
Фарғона вилоят филиали	373	224-70-83
Марғилон филиали	373	237-12-37
Олтиариқ филиали	373	432-10-11
Қўқон филиали	373	552-61-04
Наманган вилоят филиали	369	226-94-75
Навоий вилоят филиали	436	223-54-32
Зарафшон филиали	436	573-18-78
Бухоро вилоят филиали	365	223-71-94
Бухоро шаҳар филиали	365	770-11-27
Самарқанд вилоят филиали	366	231-08-86
Афросиёб филиали	366	221-77-56
Қашқадарё вилоят филиали	375	221-12-93
Сурхондарё вилоят филиали	376	770-82-12
Қорақалпоғистон филиали	361	770-60-59
Хоразм вилоят филиали	362	226-97-78
Сирдарё вилоят филиали	367	225-44-03
Жиззах вилоят филиали	372	226-43-11

«Асака» банк (ОАЖ) сармоянгизни сақланиши ва қўнайинини кафолатлайди.

Барча омонатларингиз фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади.

Сизнинг омонатларингиз:

- солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод!
- маълумотлари сир сақланиши тўлиқ кафолатланади!
- эгаллик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда!

Хизматлар лицензияланган.

Бош муҳаррир
Бахтиёр АБДУСАТТОНОВ

Телефонлар:
236-53-93 233-10-73
236-53-75 236-57-62
Факс: 233-39-89



Газета тахририят компьютер марказида саҳифаланди, офсет усулида босилди.
Формати — А-2, 4 босма табоқ.
Саҳифаловчи: А.Мейликов
Мусаҳҳих: Н.Азимова
Навбатчи: Ю.Ҳожиёва
Нашр навбатчиси: Н.Ҳайдаров
Нашр кўрсаткичи: 148



«Немо» бўрони ёпирилди

✓ АҚШнинг шимоли-шарқий ҳудудида кузатилаётган «Немо» деб номланган кучи қор бўрони оқибатида Нью-Йоркда барча авиақатновлар бекор қилинди, деб хабар беради «France-Presse» ахборот агентлиги.



Нью-Йорк маъмуриятининг маълум қилишича, «LaGuardia» ҳамда «Newark» аэропортлари фаолиятини тўхтатган. Умумий ҳисобда қарийб 2300 та авиарейс бекор қилинган. Бундан ташқари, Бостон, Чикаго ва Вашинг-

тон аэропортларида ҳам қатновлар амалга оширилмаган.

Мамлакат ҳукумати шимоли-шарқий штатлардаги аҳолини уйдан чиқмасликка, имкон қадар автомобилда юрмасликка қаҳирди. Массачусетс штатидаги мактабларда дарслар тўхтатилади. Штат губернатори қор бўрони вақтида фавқулодда хизмат машиналаридан ташқари барча автомобиллар ҳаракатини тақиқлади.

Кузатувчиларнинг сўзларига кўра, «Немо» қор бўрони 46 сантиметрдан 76 сантиметргача қалинлигини ташкил этмоқда. Бу АҚШ тарихида кузатилаётган энг кучли қор бўронларидан бирига айланиши мумкин.

Банан қутиларида кокаин

✓ Белгиядаги дўконлардан бирига келтирилган қутилардаги бананлар тагига 66 кг. кокаин жойлаштирилган экан.



Кокаин мамлакатнинг турли ҳудудларида жойлашган «Colruyt» тармоғининг 6 та дўконидан аниқланди. Ёйхўнада моддалар пластик пакетларда солиниб, қутиларнинг тагига

яшириб қўйилган. Ҳар бир дўконга тахминан 11 килограмм кокаин юборилган. Қутилардаги бананлар дегизг орқали Колумбиядан келтирилган. «Colruyt» савдо тармони вакиллари таъкидлашча, мазкур жиноятда дўконлар ходимларининг қўли йўқ. Одатда, бундай воқеалар логистика тизимида наркотикларни хуфёна тарқатиш вақтида рўй бериб туради. 2012 йилининг ноябрь ойида Белгия полицияси Эквадордан келган кема бортига яширилган саккиз тонна кокаинни топишга муваффақ бўлганди.

Узоқ турмуш учун мукофот

✓ Қонуний никоҳда биргаликда 80 йил турмуш кўрган америкалик жуфтлик махсус совғалар билан тақдирланди.



97 ёшли Энн Битар ва унинг турмуш ўртоғи 101 ёшли Жон Битарга «Worldwide Marriage Encounter» ташкилоти томонидан турли совғалардан ташқари ҳурмат ва эҳтиром нишони ҳам топширилган. Эслатиб ўтамиз, мазкур ташкилот энг мустақкам оила-

ларни саралаб, уларни оммага намойиш этиш билан шуғулланади.

«Worldwide Marriage Encounter» муассасаси Битарлар оиласининг энг узоқ турмуш кўрган оила деб эълон қилди ва коннектикутикалик нафақахўрлар галиб деб топилди. Эрхотиннинг сўзларига қараганда, улар ёшларидан бир-бирига қўнғил қўйишган. Бироқ Энн момонинг отаси уни бошқа йигитга турмушта беришни истаган. Шу боис, севишганлар Нью-Йоркка қочиб кетишган. Улар бу ерда 1932 йилининг 25 ноябрыда никоҳдан ўтишган. Ҳозирда Битарларнинг 5 нафар фарзанди, 14 набираси ва 16 эвараси бор.

Тил ўрганиш — энг яхши даво

✓ Чет тилларни билиш Альцгеймер касаллигининг ривожланишига тўсқинлик қилади, дейди канадалик олимлар.

Торонто университети экспертлари бу касалликнинг ик аломатлари белги бераётган беморларда тадқиқот ўтказдилар. Уларнинг яри чет тилларида эркин сўзлаша оладиганлар, яъни эса ҳеч қандай тилни билмайдиганлар. Беморларни томография қилиб кўришганда маълум бўлдики, ўзга тилни билладиган кишиларда Альцгеймер хасталиги жуда секин ривожланар экан.

Интернет маълумотлари асосида тайёрланди.

«TOSHKENT UNIVERSAL AUKSION SAVDO» МЧЖ АХБОРОТИ
Ушбу газетанинг 2012 йил 20 декабрь кун 51-сонини нашрида чоп этилган савдо натижаси тўғрисидаги эълонда кўрсатилган сана «2012 йил 15 ва 29 декабрь кунлари» жумалари ўрнига «2012 йил 15 ва 29 ноябрь кунлари» деб ўқилсин.



Mahalla

ижтимоий-сиёсий ва маърифий газета

Муассис: Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоат фонди
Республика бошқаруви

Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 2006 йил 6 декабрда 0019 рақами билан рўйхатга олинган.